

Scientific journal of the Fergana State University

Volume 1 *Scientific journal of the Fergana State University "FarDU.Ilimiy xabarlari" 1/2018*

Article 8

4-3-2018

The sanitary condition of Tashkent city and it's problems at XIX century and the beginning of XX century

S. SHADMANOVA

Fergana state university, Ferghana, str,Murabbiylar 19, fdujournal@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>

 Part of the History Commons

Recommended Citation

SHADMANOVA, S. (2018) "The sanitary condition of Tashkent city and it's problems at XIX century and the beginning of XX century," *Scientific journal of the Fergana State University*: Vol. 1 , Article 8.

DOL: 950+577.4

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol1/iss1/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК: 950+577.4

**XIX АСРНИНГ ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ САНИТАР
АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ**
**САНИТАРНОЕ СОСТОЯНИЕ И ПРОБЛЕМЫ ГОРОДА ТАШКЕНТА В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ
XX ВВ**
**THE SANITARY CONDITION OF TASHKENT CITY AND IT'S PROBLEMS AT XIX CENTURY
AND THE BEGINNING OF XX CENTURY**

С.Шадманова

Аннотация

Мазкур мақолада XIX аср охирини – XX аср бошларида Тошкент шаҳрининг санитар ҳолати ва муаммолари, шунингдек аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаши масаласи билан боғлиқ жараёнлар ёритилган. Мазкур масалаларни ҳал этиши юзасидан мутахассислар фикрлари, таклифлари ва бу борада амалга оширилган ишлар, ўзига хос муаммолар таҳлил қилинган.

Аннотация

В данной статье описаны процессы, связанные с санитарным состоянием и проблемами города Ташкента в конце XIX – начале XX вв., а также с задачей обеспечения населения питьевой водой. Проанализированы мнения и предложения специалистов и действия, предпринятые для решения данных задач.

Annotation

This article describes the sanitary condition of Tashkent city, likewise, the processes depend on with pure drinking water of population at the end of XIX century and the beginning of XX century. The specialists' ideas and suggestions, action, which is done for solving these problems are analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: Тошкент шаҳри, санитар аҳволи, шифокор, аҳоли, ичимлик суви, юқумли касалликлар, гигиена қоидалари.

Ключевые слова и выражения: город Ташкент, санитарное состояние, доктор, население, питьевая вода, инфекционные заболевания, правила гигиены.

Key words and expressions: Tashkent city, sanitary condition, doctor, population, drinking water, infection diseases, hygienic rules.

Маълумки, аҳоли саломатлигини сақлашда шаҳарнинг санитар аҳволини яхшилаш мухим аҳамият касб этади. Россия империяси ўлкани босиб олганидан сўнг бу борада ҳам ўзгаришлар юз беради. 1867 йилда қонунга кўра шаҳарнинг тиббий-санитария ҳамда ветеринария-санитария ҳолатларини кузатиб бориш шаҳар шифокорига топширилган эди. Тошкент шаҳрида XX аср бошларигача маҳсус санитар шифокорининг йўқлиги ҳамда бу вазифа шаҳар врачига юклатилганлигини ҳисобга олганда, бу борада аҳвол нақадар ночор эканлиги кўринади. 1871 йилда Тошкент шаҳар шифокори М.Х.Батиршин шаҳар бошлиғига мурожаат қилиб, шаҳарнинг ҳар икки қисмида бир нафардан санитар назоратчилар лавозимини тайинлаш ва уларга кўча, ҳовли ва бозорлар тозалигини назорат қилиш, ўлган мушук, ит ва бошқа ҳайвонлардан тозалаш, куннинг иссиқ вақтида сув сепиш вазифасини юклатиш ҳақида ёзади. Бундан ташқари, у күшхоналарни ва тери заводларини шаҳар ташқарисига чиқаришни

таклиф этади. Ушбу таклифлар ўша даврдаги шаҳар ва қишлоқлардаги гигиена қоидаларига ўйғун бўлиб, уларда ҳам ушбу фикрлар учрайди ва шаҳар тозалигига шифокордан ташқари, полиция ҳам жавоб бериши алоҳида таъқидланади [1].

1902 йил 13 июнда шаҳар маъмурияти томонидан тайинланган биринчи санитар шифокори Самуил Маркович Стекольников бўлган. Иккинчи санитар шифокори лавозими 1909 йил 11 апрелдан жорий этилган. Санитар шифокорлар вақти-вақти билан турли савдо-санаот ташкилотларини, озиқ-овқат дўйонларини, ҳовлиларни текшириб турган ҳамда юқумли касалликлар билан оғриган беморларнинг уйлари ва буюмларини дезинфекция қилишни назорат қилиб турганлар.

Шаҳарни соғломлаштириш ва санитар ҳолатини яхшилаш мақсадида шаҳар думаси томонидан дастлабки 10 йилда шаҳар низомининг 103- ва 104- моддаларига асосан

С.Шадманова – ЎзРФА Тарих Институти ётакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори.

шаҳарнинг “янги” қисми учун мажбурий қарорлар қабул қилинган бўлиб, уларда ҳовлилар, кўчалар ва майдонларда тозаликка риоя этиш, шаҳардан ташқарига гўнг ва ахлатларни олиб чиқиб ташлаш, күшона, гўшт ва балиқ расталарида тозаликни сақлаш буорилган. Ушбу қарорларга 1900-1904 - йилларда ўзгартиришлар киритилган. Шаҳар думаси томонидан 1909 йилда янгидан шаҳар санитар ҳолатини назорат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Лекин, ушбу қарор фақатгина шаҳарнинг “янги” қисмига тегишли бўлган [2.342].

1908 йилги вабо эпидемияси даврида шаҳар бошқаруви қошида амалдорлардан ва шифокорлардан иборат санитар кенгashi ташкил этилди. Шу йилнинг ўзида 17 марта йиғилиб, муаммолар муҳокама қилинган. 1909 йилдан бошлаб санитар бюро ўз фаолиятини бошлайди ва шаҳардаги касалликлар билан боғлиқ маълумотларни тўплади ва таҳлил этди. Мазкур бюро 1909 йил априелидан ҳар ойда Тошкент шаҳри тиббий-санитар масалалари, жумладан, шаҳарда турли касалликларнинг тарқалиш аҳволига доир маълумотларни нашр этиб борди.

Шаҳарда доимий равишда бўғма, чечак, тиф, қизамиқ, вабо эпидемиясининг тарқалиши шаҳар бошқармасининг шаҳарнинг санитар ҳолатига эътибор қаратиш заруратини вужудга келтирди. Натижада, шаҳар бошқармаси бошлиғи Н.Г.Маллицкий 1910 йил 17-18 ноябрида шаҳар бошқармасида “Шаҳарнинг санитар ҳолатини яхшилаш тўғрисида” маъруза ўқиди. Узоқ давом этган мунозаралардан сўнг шаҳар думаси ҳовли ва кўчалардаги ахлатларни шаҳар “обози” олиб чиқиши, тўлиқ тош ётқизилган кўчаларни обдан тозалаш, аксариятни ташкил этган, қисман тош ётқизилган кўчаларни супуриш, аравачилар тўпланиб турадиган кўчаларни асфальтлаш ёки бетонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. 1911 йил 1 январдан шаҳарнинг “янги” қисмida 2 нафар санитар инспектор лавозими жорий қилинди, уларга йилига 1800 рубль иш ҳақи белгиланди [2.345]. Улардан бири фақат шаҳарнинг санитар ҳолатига, бошқаси унинг эпидемиологик ҳолатига маъсул бўлган. Шу йилдан бошлаб жавобгарликка тортиш учун энг охирги чора сифатида “протокол” тузиш қолдирилган, аксарият ҳолларда эса муаммони жойида ҳал қилинган. 1912 йил ўрталаридан санитар шифокорига полиция ходими ҳам бириктирилган.

Санитар назорати натижасида ҳовлисида, турли муассасаларда тозаликни сақламаган кишиларга жарима солинган. Жумладан, 1886 йил априлида шаҳарнинг “эски” қисмida яшаган Абдурасулбой Мўминбоевнинг ҳовлисида тозалик сақланмаганлиги учун 15 руб. жарима солиниб, ўзининг ҳисобидан ҳовлисini тозалаш ишларини амалга оширишга мажбур қилинади [3]. 1910 йилда санитар шифокори К.О.Рейнгардт, санитар фельдшер ва 33 нафар санитар назоратчи, жами 757 та жойни назорат қилган бўлса, шундан 682 тасини қоникарли, 77 тасини қоникарсиз деб топилиб, “протокол” тузилган [4.58-60]. Санитар назоратчилар кўкатлар, мева ва сабзавотлар, паррандалар сотилган Воскресенский ва Товук бозорини текшириб, июнь-июлда, яъни вабо тарқалиш хавфи мавжуд ойларда ҳафтасига 2 марта ва ундан ортиқ назорат олиб борилган.

Шаҳар ҳовлилари ва кўчаларида тозаликка риоя қилинмаганлиги, шаҳарнинг “эски” қисмida тери заводлари, бўёқчилик муассасалари, күшоналар, қабристон мавжудлиги Тошкент шаҳрида ҳаво ва сувнинг ифлосланишига сабаблардан эди. Шунингдек, бозордаги аҳвол, айниқса, ҳалажойларнинг тоза сақланмаслиги, ўраларда ва жарликларда сув йиғилиши ҳамда туриб қолиши, шаҳарда чангланиш даражаси юқорилиги ёзда нафас олишни қийинлаштиrsa, қишида лой шаҳарда юришни мураккаблаштирап эди.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳрининг санитар аҳволини яхшилаш учун биринчи навбатда шаҳар аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш зарур эди. Турли мутахассислар, жумладан, шифокорлар, муҳандислар ва ҳар хил тоифадаги амалдорлар Тошкент шаҳри аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш долзарб вазифа эканлиги таъкидлаганлар [6]. Ўша давр мутахассислари томонидан жаҳон тажрибасига таянган ҳолда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳисобига кўпгина соғлиқни сақлаш муаммоларини ҳал қилиш мумкинлиги, сув қувурлари ва оқава қувурлари ўtkazilgan мамлакатларда аҳоли ўлимни кескин камайтириши ва бу ишга кераксиз масала деб қарамаслик кераклиги, шу йўл билан одамлар соғлиги ҳамда ҳаёти сақланиб қолаётгани айтилади. Масалан, Парижда сув фильтри ўрнатилганидан кейин ич терлама касалидан ўлиш 3 марта камайгани аниқланган [6].

ТАРИХ

Маълумки, аҳоли асосан ичимлик суви сифатида ариқ сувидан, баъзилар қудук сувидан фойдаланган. Ўша даврда Тошкент шаҳри аҳолиси кўчанинг икки томонидан оқиб ўтувчи ҳамда ҳар бир ҳовлига оқиб киравчи ариқ сувидан истеъмол қилган ва хўжалик юмушларини бажаришда бу сувдан фойдаланган. Ариқларда сув доим тўлиб оқмасдан сув қуриб қолиши натижасида ариқлар тубида турли органик моддалар чўкиб айний бошлаган. Шуни айтиш жоизки, шаҳарнинг юқори қисмида ариқдан оқадиган сув тоза ва сифатли бўлиб, шаҳарнинг ўрта ва қуий қисмларига келганда эса сифати бузилар, шаҳар саноат корхоналаридан, ҳамомомлардан ва уйлардан чиқкан чиқиндилар ҳисобига зарарланар эди.

Тараққийпарварлардан бири - Рауф Музаффарзоданинг ёзишича, аҳоли сув ичадиган ариқларнинг суви юзларча, ҳатто мингларча ҳовлилардан оқиб ўтиб, аҳоли уни ифлослантириши, ҳар хил аҳлатлар ташланиши натижасида ичишга яроқсиз ҳолга келган [7]. Шаҳарга кирган пайтда ниҳоятда тоза ва соғ ҳолда бўлган ичимлик суви шаҳарнинг ўрта ва тубан қисмига келганда ифлосланиб, ичишга яроқсиз бўлиб қолган. Шунинг учун Рауф Музаффарзода, сувни тежаб ишлатишга ҳамда ифлос нарсаларни сувга ташламасликка чақиради, агар акси қилинса “саломатлик жиҳатдан миллатга улуғ бир жиноят қилинган бўлади”, деб ёзади [8]. Чунки ифлосланган сув кўпгина юқумли касалликларнинг сабабчиси бўлиб, одамларнинг қирилишига олиб келади. Мақола муаллифи “саломат ва сиҳатнинг даражаси миллий тозалик ва покликнинг даражаси илиа мутаносибидир” [9], деб ёзар экан, халқнинг соғлиғи масаласини юқори даражали миллий вазифа деб билади.

Шунинг учун ҳам аҳолининг кўп қисми сув ичадиган Шавли (Чаули) ариғининг сувини тозалаш учун унинг бўйларида жойлашган ҳамомомларни (бири Обухов проспектида ва бошқаси Авенировский деган жойда жойлашган) зудлик билан ёпиб ташлаш таклиф этилган [10].

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрининг “янги” қисмида 472 та қудук мавжуд бўлиб, шулардан 37 таси суви тадқиқ қилинмасдан ҳам ичишга яроқсизлиги маълум қилинган. Қолган қудукларнинг суви ўрганилганда, уларнинг суви минерал таркиби бўйича кўп ҳолларда ичишга яроқсиз деб топилади. Тошкентнинг “эски” шаҳар қисмида 32 та яроқсиз ҳолга келиб қолган қудук бўлиб, 1909

йилга келиб улар тозаланиб, яна улардан фойдаланила бошланган [11]. Шаҳардаги ҳамма қудуклар чиқинди ўралар ва ҳожатхоналар билан ёнма-ён жойлашган эди. Бунинг устига Тошкентда қудукларнинг чуқур эмаслиги (ўртача чуқурлиги 10 саржин¹) ҳам уни чиқиндилар резервуарига айлантирган. Ер ости сувлари ернинг нам сақлайдиган қатлами орқали ўтаётганда турли органик қолдиқлар, азот кислотаси, аммиак, водород сульфид ва бошқа химик моддалар билан қўшилиб қудукқа тушар эди. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, фақат Тошкентнинг “янги” қисмида йилига 1 млн 400 минг пуд² чиқинди ер сатҳига сингиб кетган [12].

Фақатгина аҳолининг европалик қатлами учун қазилган Головачев булоқларидан олинган сув санитария талабига унча-мунча жавоб бера олган. Лекин, ундан майдан январгacha 400 бочка³, бошқа пайтларда эса 250 бочка сув олиш мумкин эди, бошқача қилиб айтганда, бу булоқдан суткасига 20 минг чепак сув олинган [13]. Бу сув миқдори Тошкент шаҳри “янги” қисми аҳолиси эҳтиёжи учун етарли эмас эди. Бунинг устига сув қимматлиги учун аҳолининг асосий қисми ундан фойдалана олмаган (ўртача ҳисобда 100 чепак сув 1 руб. 20 коп. бўлган).

Туркистонда асосий ичимлик суви бўлган ариқ сувлари тадқиқотчилар томонидан ўрганиб чиқилганда, мутахассислар бу сув ичиш учун умуман яроқсиз деган хulosага келадилар. 1879 йилда доктор Исаков бу сувларда ҳар хил заарарли қуртлар ва микроблар, ҳатто ришта эмбриони борлигини ҳамда ишқор элементлари, органик моддалар нормадагидан анча юқори эканлигини аниқлайди [14]. Кейинчалик бу борада тадқиқотлар олиб борган Н.Б.Тейх ҳам Тошкент ариқларидаги ва ҳовузларидаги сувларнинг ҳаддан ташқари ифлосланиб кетганини таъкидлайди [15]. Қолаверса, олиб келиб сотилаётган сувнинг булоқ суви эканлигига ҳеч бир кафолат йўқ эди. Ҳатто, сувчиларнинг бочкалари ҳам сув сифатининг бузилишига олиб келар эди [16].

Аҳоли сув ичадиган ариқларнинг ўта ифлосланиб кетиши ҳамда ирригация ишларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги аҳоли орасида ўткир юқумли касалликлар тарқалишига олиб келган. Масалан, 1871-1872 йилларда Тошкентнинг “эски” шаҳар қисмида вабодан 4000 нафар киши [17], 1892

¹ 1 саржин-2,134 метрга тенг узунлик ўлчови.

² 1 пуд-16,3 кг.га тенг оғирлик ўлчови.

³ 1 бочка-тахминан 480 литрга тенг суюқлик ўлчови.

Йил 7 июнидан 18 августигача Тошкентнинг “эски” ва “янги” шаҳар қисмларида эса 1508 нафар киши вафот этди [18]. Бундан ташқари, Тошкентда ичтерлама (қорин тифи), дифтерия каби касалликлар ҳам кенг тарқалган эди. Жумладан, 1888 йил август-декабрида Тошкентнинг “янги” шаҳар қисмида 2 ёшдан 30 ёшгача бўлган 25 нафар бемор дифтерия касалига чалинган, шундан 9 нафари (36%) вафот этган [19]. Бу кўрсаткич 1886 йилдагига (64%) нисбатан деярли икки баравар кам бемор вафот этганини англатади. Шунингдек, 1891 йилнинг қишида бир ҳафтада бўғма, қизамиқ, чечак каби юқумли касалликлардан Тошкентнинг “эски” шаҳар қисмидан 80 нафаргача киши, асосан болалар вафот этган [20].

Шаҳардаги бундай аҳвол шаҳар думаси мажлисида сув қувури қуриш масаласини қайта-қайта кўтарилишига сабаб бўлди. Жумладан, 1910 йилда Н. Малчицкий шаҳар думасида қилган маъruzасида сув ҳамда оқава қувури зарурлиги, лекин бу ишни амалга ошириш учун жуда катта маблағ (10-15 миллион рубл атрофида) сарфлаш кераклиги ҳамда шаҳар бюджети бундай харажатни кўтара олмаслигини таъкидлайди. Шу сабабли ичимлик суви муаммоларни ҳал этиш учун

ҳозирча сув қувури эмас, сув тарқатувчи будкалар ташкил этишни таклиф этади [21]. Лекин шаҳар бошқармасининг ҳаракатлари самарасиз бўлди, маблағ этишмаганидан сув ва оқава қувурлар ўрнатилмади. Бу борада бошқа мўлжалланган тадбирларнинг ҳам асосий қисми амалга оширилмай қолиб кетди.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг охирида Тошкент шаҳар шифокори шаҳар санитар ҳолатига ҳам масъул бўлган. Шаҳар шифокори зиммасидаги вазифаларни кўплиги эса масалани қийинлаштирган. XX аср бошларида эса Тошкент шахрининг дастлабки санитар шифокори лавозими жорий этилади. Умуман, бу даврда шаҳар санитар аҳволида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, шулардан бири аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммолари эди. Мазкур масалани ҳал этиш юзасидан мутахассислар, жумладан, шифокор ва муҳандислар ўз фикрларини ҳамда таклифларини билдиридилар, бу борада бир қанча ишлар амалга оширилди, лекин маблағ этишмаслиги туфайли Тошкент шахрида сув қувурлари ва оқава қувурлари ўрнатишга мубаффақ бўлинмади. Шаҳарнинг санитар ҳолатига доир муаммолар эса батамом ечимини топмади.

References:

1. O'zR MDA, I.36-fond, 1-ro'yuxat, 754-ish, 8-12 varaq.
2. Dobrosmyslov A.I. Tashkent v proshlom i nastojaщem. Istoricheskiy ocherk. – T.: Tipolitografiya O.A.Portseva, 1912.
3. O'zR MDA, I.36-fond, 1-ro'yuxat, 2829-ish, 105 varaq orqasi.
4. Vrachebno–sanitarnaya i veterinarnaya xronika g.Tashkent za 1910 god. God izdaniya 2-y. – T.: Tip.Turk.T – va pechatnogo dela, 1912.
5. SHishmarev I.A. Neskoľko strok o Tashkente // TV. -1891. -№ 20; O ratsional'nom vodosnabjenii g. Tashkenta // TV. 1893. № 65, 69; Vasil'ev N. Nasha obЩaya beda i kak pomochь yey // Okraina. 1895. № 61, 62, 64, 66, 68, 71, 73; K voprosu o sanitarnom sostoyanii Tashkenta // TV. -1897. -№ 7; Gabbin N. Neskoľko tsifr k voprosu ob ustroystve vodopravoda v Tashkente // TV. -1900. -№ 20.
6. O ratsional'nom vodosnabjenii g. Tashkenta // TV. -1893. -№ 65, 69.
7. Muzaffarzoda R. Ichar suvlarimizga bir nazar // "Sadoi Turkiston" gazetasi. - 1914. -№ 21.
8. O'sha asar.
9. O'sha asar.
10. SHishmarev I.A. Neskoľko strok o Tashkente // TV. - 1891. - №20.
11. Dokladnaya zapiska o deyatel'nosti Tashkentskogo gorodskogo obЩestvennogo upravleniya // TV. - 1909. - №178.
12. Gabbin N.I. O ratsional'nom vodosnabjenii g.Tashkenta // TV. - 1893. - №69.
13. Vodosnabjenie v g. Tashkente // TV. - 1910. - № 256.
14. SHishov A. O neobxodimosti vodopravoda v gorode Tashkente / TV. -1907. -№ 177.
15. Teyx N. K voprosu o vodosnabjenii g. Tashkenta / TV. -1905. -№ 93.
16. Vodosnabjenie v g.Tashkente // TV. -1910. -№ 256.
17. Neskoľko strok o Tashkente // TV. -1891. -№ 20.
18. Xolernaya epidemiya v Turkestanskem krae v 1892 g. // TV. -1893.- № 101.
19. O'zR MDA, I.36-fond, 1-ro'yuxat, 3085-ish, 186-187 varaqlar.
20. O'zR MDA, I.36-fond, 1-ro'yuxat, 3349-ish, 35- varaq.
21. Vodosnabjenie v gorode Tashkente // TV. -1910. -№ 256.
22. Dobrosmyslov A.I. Tashkent v proshlom i nastojaщem. Istoricheskiy ocherk. – T.: Tipolitografiya O.A.Portseva, 1912.

(Такризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).